

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ
ИНСТИТУТИ**

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ
5620700-Ер тузиш ва ер кадастри бакалавриатура таълим
йўналиши
Геодезия ва ер кадастри кафедраси**

*«Химояга рухсат этилсин»
кафедра мудири доц.
_____ Қ.Р.Рахмонов
«___» _____ 2013 й.*

**“Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Дехқонобод”
массиви худудидаги суғориладиган ерларни баҳолаш
ишларини такомиллаштириш” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди:

С.Кенжаев

Раҳбар:

Қ.Рахмонов

Тошкент –2013

Мундарижа

Т/р.	Ишнинг таркибий қисмлари	Бет
1	Битирув малакавий ишининг топшириғи	3
2	Битирув малакавий ишининг дастури	5
3	Кириш	7
4	1-БОБ «Дехқонобод» массиви тўғрисида умумий маълумотлар	9
5	2-БОБ Суғориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва услубий масалалари	18
6	3-БОБ «Дехқонобод» массивидаги суғориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш натижалари	37
7	Хулоса	59
8	Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати	60
9	Иловалар	62

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ ФАКУЛЬТЕТИ**

Геодезия ва ер кадастри кафедраси

«Тасдиқлайман»

кафедра мудири

доц.Қ.Р.Рахмонов

«__» _____ 2013 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба *Кенжаев Сайдулло Абдушукuroвич*

Битирув малакавий ишининг мавзуси: *“Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Дехқонобод” массиви ҳудудидаги сугориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш” “ ” 20__ йил __ -сон кафедра мажлисида маъқулланган.*

Битирув малакавий ишини топшириш муддати «__» __ 2013 йил

1. Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:

Ишлаб чиқариш амалиёти даврида йиғилган маълумотлар ва материаллар

2. Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати).

1. Кириш. 2. 1-БОБ «Дехқонобод» массиви тўғрисида умумий маълумотлар.

3. 2-БОБ Сугориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва услубий масалалари ҳамда 4. 3-БОБ «Дехқонобод» массивидаги сугориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш натижалари 5. Хулоса. 6.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 7.Иловалар.

3. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади).

1“Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Дехқонобод” массиви ҳудудидаги ер ва экин турларининг жойлашув тархи

2“Дехқонобод” массивининг тўпроқ харитаси

3 Массивдаги сугориладиган ерларни баҳолаш харитаси

4 Сугориладиган ерларни баҳолаш натижалари

6. Битирув малакавий иши бўйича маслаҳатчилар.

Т/р.	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1	2	3	4	5

7.Битирув малакавий ишини бажариш режаси.

Т/р.	Битирув малакавий иши босқичларининг номи	Бажариш муддати			Текширувдан ўтганлик муддати
		Сана	куни	%	
1.	<i>БМИни бажариш учун топириқ олиш ва ишчи дастурни ишлаб чиқиш</i>	01.04.2013	1	2	01.04.2013
2.	<i>1-БОБ «Дехқонобод» массиви тўғрисида умумий маълумотлар</i>	02-12.04.13	11	18	12.04.2013
3.	<i>Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати</i>	13-15.04.13	3	5	15.04.2013
4.	<i>2-БОБ Сугориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва услубий масалалари</i>	16.04-03.05	18	29	03.05.2013
5.	<i>Баҳолаш харитасини чизиш</i>	04-06.05.13	3	5	06.05.2013
6.	<i>3-БОБ «Дехқонобод» массивидаги сугориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш натижалари</i>	07-26.05.13	20	32	26.05.2013
7.	<i>“Дехқонобод” массивининг тупроқ картаси яратиш</i>	27.05.13	1	2	27.05.2013
8.	<i>Фойдаланилган адабиётлар ва манбаълар рўйхатини тузиш</i>	28.05.13	1	2	28.05.2013
9.	<i>БМИни расмийлаштириш ва кафедрага топшириш</i>	29-31.05.13	3	5	31.05.2013
	<i>Жами</i>		61	100.0	

Битирув малакавий иши раҳбари

Топшириқни бажаришга олдим

Топшириқ берилган вақти

Қ.Рахмонов

С.Кенжаев

«__»_____2013й.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ
ФАКУЛЬТЕТИ**

Геодезия ва ер кадастри кафедраси

«Тасдиқлайман»
кафедра мудири доц.
_____ Қ.Р.Рахмонов
«___» _____ 2013 й.

“Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги “Дехқонобод” массиви худудидаги
суғориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш” мавзусидаги
битирув малакавий ишининг

ИШЧИ Д А С Т У Р И

Бажарувчи:

С.Кенжаев

Раҳбар:

Қ.Рахмонов

ТОШКЕНТ- 2013

Кириш.

1. Ўзбекистон Республикаси суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора тадбирлари режаси.
2. Массивдаги суғориладиган ерларни баҳолаш.
3. Битирув малакавий ишининг мақсади, унда қўйилган вазифалар ва асос қилиб олинган материаллар.

1-БОБ «Дехқонобод» массиви тўғрисида умумий маълумотлар

- 1.1. Массив тўғрисида умумий маълумот.
- 1.2. Иқлим шароитлари.
- 1.3. Ердан фойдаланиш ҳолати.
- 1.4. Тупроқлари.
- 1.5. Ирригация ва мелиорация шахобчаларининг тавсифи.
- 1.6. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.
- 1.7. Дехқончилик тавсифи.
- 1.8. Чорвачилик тавсифи.

2-БОБ Суғориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва услубий масалалари.

- 2.1. Суғориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва зарурияти.
- 2.2. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш тартиби.
- 2.3. Суғориладиган ерларни меъёрий баҳолаш услуби.
- 2.4. Массивда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари.

3-БОБ «Дехқонобод» массивидаги суғориладиган ерларни баҳолаш ишларини такомиллаштириш натижалари.

- 3.1. «Дехқонобод» массивида тупроқ бонитировкасини ўтказиш.
- 3.2. Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш.
- 3.3. «Дехқонобод» массивида суғориладиган ерларни баҳолаш натижалари.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Иловалар.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 15-моддасига мувофиқ, давлат ер кадастри - ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳудудий тартиби тугрисидаги, ер участкаларининг жойлашган урни ва улчамлари тугрисидаги, уларини ер участкалари мулкдорларига, ер эгаларига ва ердан фойдаланувчиларга тақсимлаш тугрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ер кадастрини юритиш топография-геодезия, картография, тупроқ, геоботаника ва бошқа текширувлари ҳамда изланишлари, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланувчиларни руйхатга олиш, ерларни ҳисобга олиш ва уларга баҳо бериш билан таъминланади.

Суғориладиган ерларни сифат жиҳатидан ҳисоб қилишнинг вазифаси тупроқ катлами ҳамда ер-мулклиги, ер эгалиги ва ердан фойдаланишлар нуктаи назардан ер турларини табиий мелоратив ва массив ҳолатига ҳар томонлама тавфсиф беришдан иборатдир.

Суғориладиган ерларни иқтисодий баҳолаш-бу махсус иқтисодий кўрсаткичлар асосида ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан самарадорлик хусусиятини, уларнинг иқтисодий унумдорлик қиймат жиҳатидан ўлчашдир. Ер майдонларини иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ердан фойдаланишнинг табиий, иқлимий, хўжалик ва технологик шароитлар бутун бир мажмуа тарзда ҳисобга олинади.

Ҳозирги даврга келиб ерларни сифатий ва иқтисодий баҳолаш ишлари айрим соҳалар бўйича зарур бўлган маълумотларни олиш учун етарли бўлмай қолди. Бунга Республикамизда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотлар талабларидан келиб чикиб ёндашиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирларига «Ўздаверлойиха» институти Ер кадастри филиали томонидан «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашниги муваққат услуби» (1998) дастури ишлаб чиқилди. Бугунги кунда эса ушбу услуб такомиллаштирилган

ҳолда (2005 й.) амалиётда қўлланилмоқда. Услугаларнинг ўзига хослиги ва олиб борилиши, ўтказилиши, ҳисоблаш тартиблари кейинги бобларда батафсил ёритилган. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, ернинг қиймат баҳоси жуда кенг миқёсда қўлланилади. Жумладан, ер солиғи ва ягона ер солиғи ставкаларини белгилашда ерларни иқтисодий баҳоси асос қилиб олинади.

Битирув малакавий ишининг объекти ва мақсади.

Ўқиш давридаги назарий билимларни услубий ва амалий жиҳатдан қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун суғориладиган ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш ишларини такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш асосий мақсад қилиб олинган.

Битирув малакавий ишини бажариш учун Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги «Дехқонобод» массивининг суғориладиган ерлари асосий объект қилиб танланди.

Битирув малакавий ишини бажариш учун амалиёт даврида тўпланган материаллар, меъёрий ҳужжатлар, махсус адабиётлар ва бошқа манбалардан фойдаланилди.

***1-БОБ «Дехқонобод» массиви тўғрисида
умумий маълумотлар***

1.1. Массив тўғрисида умумий маълумот.

«Дехқонобод» массиви Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида жойлашган. «Дехқонобод» массиви 1962 йил ташкил топган. «Дехқонобод» массиви асосан пахта ва ғалла экинлари маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган. Қўшимча йўналишлардан полизчилик, узумчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари ҳам етиштирилади.

«Дехқонобод» массиви шимол ва шимолий-шарқдан Сайхунобод тумани Ниёзов номли массивни 1-участкаси, жанубдан «Эски қовунчи» ва «Гулобод» массив ерлари, ғарб томондан «Гулистон» массиви ерлари билан чегарадош.

«Дехқонобод» массивининг умумий ер майдони 3112.4 га. Шундан 2095.3 га майдон суғориладиган ерлар, 21.7 га боғзорлар, 18.7 га тутзор эгаллаган ерлар ташкил этади. Томорқа учун 274.6 га ер ажратилган. Ўзга ердан фойдаланувчилар 22 та бўлиб майдони 360.1 га ерни эгаллаган.

1.2 Иқлим шароитлари

Массиви жойлашган туман ва вилоят иқлими кескин континентал иқлим бўлиб асосий деҳқончилик маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун анча қулай ҳисобланади.

Кўп йиллик об-хавони кузатишдан маълумки, бир йиллик ўртача ҳарорат бу ерда $17-19^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади ва энг иссиқ даврда хавонинг ҳарорати $+42 - +45^{\circ}\text{C}$ ни, энг совуқ даврда эса $-22 - -24^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилади.

Бир йиллик ҳароратнинг тебраниши 66 даражани ташкил этгани ҳолда, вегетация давридаги фойдали ҳарорат йиғиндиси $2220-2260^{\circ}$ ташкил этади. Сайхунобод туманининг ўртача иқлим ҳарорати «Мирзаобод» метеостанциясидан олинган маълумотларга қараганда қуйидагича:

- бир йиллик ўртача ҳарорат - $+10,8^{\circ}\text{C}$
- январ ойидаги ўртача ҳарорат - $-4,0^{\circ}\text{C}$
- июл ойидаги ўртача ҳарорат - $+32,6^{\circ}\text{C}$

Мирзаобод туманида, жумладан «Дехқонобод» номли массиви ҳудудида совуқ кунлар миқдори 70 кунни ташкил этади. Кишининг

(ноябрнинг иккинчи ярми, декабрь, январь, февраль, мартнинг биринчи ярми) 26% даврида тупроқнинг ҳолати бўйича унга ишлов бериш мумкинлиги аниқланган. Тупроқнинг энг чуқур музланиш даври баъзида 28 – 50 см ташкил қилади. Совуқсиз кунлар 200 – 210 кунни ташкил қилади.

Сайхунобод туманида ер музлашининг сўнги даври 25феврал ва илк музлаши 28 ноябрь ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинларини экиш учун энг қулай муддат массивда март ойининг охири ва апрель ойининг бошларига тўғри келади.

Массив худудида йил давомида ёғингарчилик кам бўлади ва 80-100 мм ташкил қилади. Энг кўп ёғингарчилик баҳор ойларида бўлади. Ёз ойида умуман ёғингарчилик бўлмайди.

«Дехқонобод» массиви умуман иқлим шароити бўйича пахта етиштиришга қулайдир. Қуйида биринчи жадвалда иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

1.1- жадвал.

«Мирзаобод» метеостанциясининг маълумотларига асосан иқлимнинг асосий кўрсаткичлари.

Ойлар												Ўртача иқлим
I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Хавонинг ўртача ойлик ҳарорати, С ⁰												
-4,2	-1,5	5,6	14,5	21,0	25,3	24,4	24,9	18,8	11,1	4,0	-1,5	12,4
Ўртача ойлик намгарчилик миқдори, мм												
10	9	18	10	6	3	2	1	1	3	7	12	8,2

Рельефи. «Дехқонобод» массиви ерлари Сирдарё дарёсининг дельтасида жойлашган. Ернинг юза қисми асосан Сирдарё дарёсининг терассаларида ривожланган. Рельефи қуйидаги элементлардан ташкил топган:

1. текисликдаги майдонлар;
2. косасимон паст текисликлардан.
3. тўлқинсимон текисликлардан.

Текширилган ерлардаги тупроқларнинг механик таркиби сизот сувлари

сатхи ва уларнинг минераллашганлик даражасига шу рельеф турларининг тузилишига бевосита боғлиқ. Текисланган майдонлар Сирдарё дарёсининг II ва III терассаларда жойлашган бўлиб тупроқ кесмасининг паст ва ўрта қисмида хар хил қумокли айрим жойларда лойли ва қумли жинслардан тузилган.

Тўлқинсимон текисликлар янгидан ўзлаштирилган проллювилар жинслардан тузилган ва улар асосан адирли паст текис жойларда ривожланган. Уларнинг механик таркибида турли қумоқлар, шағаллар ва хар хил тошлардан ташкил топган.

Шундай қилиб Сирдарё дарёси воҳасининг рельефи кўп жойларда текисланган майдонлардан ташкил топган. Уларда ривожлангана ва тарқалаган тупроқларнинг механик таркиби қумли, қумоқли ва айрим жойларда оғир қумоқли ва лойли бўлиб, ўзларига хос ва мос хоссаларга эгадир.

1.3 Ердан фойдаланиш ҳолати.

«Дехқонобод» массиви Мирзаобод туманининг шимолий ғарб қисми ва Сирдарё вилоятининг жанубий ғарб қисмида жойлашган. «Дехқонобод» массивининг 2012 йил 1 январдаги маълумотларга кўра умумий майдони 3112.4 га бўлиб, шундан ҳайдалма ерлар 2095.3 га ни ташкил қилади.

Ихота дарахтлари 2.5 га, ўрмонзорлар эгаллаган ерлар 4.5 га, сув ҳавзаси 10.8, сув иншоотлари 466.3 га, йўл ва йўлаклар 35.7 га, қурилишлар эгаллаган ерлар эса 50.3 га, бошқа ерлар 35.9. Массивда 22 та бўлиб, 360.1 га ер майдонни эгаллаган.

«Дехқонобод» массиви асосан қадимдан суғориладиган дехқончилик минтақасида жойлашган бўлиб, унда етакчи тармоқ пахтачилик ва ғаллачилик ҳисобланади. Кейинги йилларда хўжаликда пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик ва богдорчилик тармоклари ривожланмоқда. Массив ҳудудида ёрдамчи тармоқ ҳисобланган чорвачиликда эса гўшт – сут қорамолчилик ва пиллачилик ривожланган. Иқтисодиётнинг бозор

муносабатларига ўтаётганлиги натижасида хўжалик ҳудудида катор маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари ташкил этилган.

1.2-жадвал

«Дехқонобод» массиви ер фондининг таркиби

Т/р.	Ер турлари	Га	Умумий майдонга нисбатан %
1.	2.	3.	4.
1.	Хайдалма ерлар: ш.ж: суғориладиган	2095.3	67.3
2.	Дарахтзорлар: ш.ж: боғлар тутзор	40.4 21.7 18.7	1.3
3.	Бўз ерлар	85.1	2.7
4.	Яйлов	11	0.4
5.	Кишлоқ хўжалик жами	2232	71.7
6.	Томорка ерлар	274.6	8.8
7.	Ихота дарахтлари	2.5	0.1
8.	Ўрмонзорлар	4.5	0.1
9.	Сув хавзаси	10.8	0.3
10.	Арик, каналлар ва зовур	466.3	15.0
11.	Йуллар ва йулаклар	35.7	1.2
12.	Курилишлар	50.3	1.6
13.	Бошқа ерлар	35.9	1.2
	Жами массивга бириктирилган ерлар	3112.4	100.0
	Бегона ердан фойдаланувчилар	360.1	11.6

Юқоридаги маълумотлар массив тўғрисидаги умумий маълумотлардир. Шу билан бир каторда массивнинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини белгилаш, фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларга ер ажратиш учун биринчи галда массивнинг табиий, ижтимоий – иқтисодий шароитларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш рўйхатлашда қабул қилинадиган ечимларни ҳар томонлама асослашда катта аҳамиятга эга.

1.4 Тупроқлари.

«Дехқонобод» массиви ерларида қуйидаги генетик гуруҳга кирувчи тупроқлар учрайди: қадимдан суғориладиган, суғориладиган ва янгидан ўзлаштирилган ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи, суғориладиган ўтлоқи – тақирсимон, суғориладиган тақирсимон вохали ва бошқа турли даражада шўрланган тупроқлар тарқалган.

Бу тупроқлар турларининг асосий физикавий ва кимёвий хоссалари «Дехқонобод» массивининг тупроқ харитасида ва унинг экспликациясида курсатилган ва тушунтирилган.

Ўрганилган турли тупроқларнинг кимёвий таҳлил натижалари, улардаги тузлар таркиби, микдори ва сифати массив учун тузилган тупроқлар шўрланиш картограммасида ва унга тегишли экспликацияда аниқ кўрсатилган.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқларнинг шўрини ювиш учун массивдаги ва массивлараро бўлган коллектор, зовур ва дренажларнинг чуқурлигини 2,5-3,0 м чуқурлика етказиб, уларнинг оқавалигини яхши таъминлаш лозим. Бу ишларни комплекс агротехник ва мелоратив тадбирлани қўллаш билан амалга ошириш мумкин. Бунинг натижасида массивнинг ер майдонларида шўр тупроқларнинг майдонлари камаёди, уларнинг унумдорлиги кўпаяди, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ошади.

1.5 Ирригация ва мелиорация шахобчаларининг тавсифи.

Суғориладиган деҳқончилик шароитини ўрганиш жараёнида бу жойдаги ирригация ва мелиорация шахобчалари тўғрисида тўлароқ маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Ер усти ва ер ости сувлари. «Дехқонобод» массивининг ерлари асосан, Сирдарё дарёси орқали суғорилади. Массивнинг сув билан таъминланиши ўртача. Қурғоқчиликка учраган йилларда (2000-2001) массивда сув танқислиги яққол намоён бўлди шу муносабати билан суғориладиган

майдонларида ерларни суғориш учун захкаш сувларидан ҳам баъзан фойдаланилади.

Ер ости ва сизот сувларининг асосий манбаи суғориладиган ерлардаги ва суғориш тармоқларидан ҳосил бўлган филтрланган сувлардир.

Сизот сувларини текширув ишлари ўтказилган (2010 йил сентябрь-октябрь) даврда 1.5-3.0 м чуқурликда жойлашган.

«Дехқонобод» массивининг барча майдонлари суғориш тармоқлари билан етарлича яхши таъминланган. Бундан асосийси массив худудидан ўтувчи суғориш каналидир. Массив ичида қурилган суғориш каналларининг асосий камчилиги шундан иборатки, ушбу тармоқлар асосан ерда қазилган, турли инженерлик – гидротехник иншоотлар билан кам таъминланган.

Натижада, айниқса вегетация даврида меёридан анча ортиқча микдорда сувнинг исроф бўлиши кузатилади. «Дехқонобод» массивининг суғориш каналларининг ўртача йиллик фойдалаи иш коэффициенти (ФИК) 0,6 - 0,7 ташкил этади, яъни умумий сув микдорининг 30 -40% исроф бўлади. Бундан ташқари массив худудининг баъзи жойларида учрайдиган, кингир – қийшиқ, майда суғориш тармоқларининг мавжудлиги, далалар сатхининг кичиклиги, далаларнинг нотўғри тузилганлиги ҳам сувнинг ошiqча исроф бўлишига олиб келади.

1.6. Аҳоли яшаш жойлари тавсифи.

«Дехқонобод» массивининг бир қисми туман маркази билан туташган. Натижада массив вилоят ва туман марказлари ҳамда маҳсулотларни қабул қилиш пунктлари билан асфальт йўллар орқали боғланган. Массив марказидан туман марказигача 5 км, вилоят марказигача 30 км ни ташкил қилади. Маъмурий худудий бўлиниши бўйича массив «Дехқонобод» фуқаролар йиғинига қарайди. Ушбу фуқаролар йиғини раисининг 2012 йил 1-январигача берган маълумотларига қараганда массив худудида 2 та катта кичик қишлоқлар мавжуд бўлиб, улардаги мавжуд 8895 нафар аҳолии истиқомат қилади. Оилалар сони – 1779 та. Аҳоли пунктлари массивнинг

барча қисмларида жойлашган. Яшаш уйларининг аксарият қисми хусусий ҳолда қурилган уй-жойлардан иборат.

Қишлоқларнинг барчаси электр энергияси билан тўла таъминланган ва газлаштирилган. Қишлоқлар ичида энг асосийси «Дехқонобод» қишлоғи ҳисобланади. Бу қишлоқ массив марказида жойлашган бўлиб, унда массивнинг бошқарув идораси, техникани таъмирлаш устахонаси, омбор бинолари, мактаб, болалар боғчаси, маданият саройи, магазин ва кейинги йилларда ташкил этилган кичик корхоналар мавжуд.

1.7 Дехқончилик тавсифи.

«Дехқонобод» массивининг асосий дехқончилик тармоғи - бу пахтачилик бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари кейинги йилларда массивда дончилик ва сабзавотчилик ҳам ривожланиб бормоқда. 2008-2009 йиллардаги сув танқислиги қишлоқ хўжалигига жиддий таъсирини кўрсатди. Қуйидаги - жадвалда 2012 йилда массивдаги экинлар таркиби майдонлари келтирилган.

1.3-жадвал.

Қишлоқ хўжалик экинлар таркибининг динамикаси

№	Экин турлари	Майдони, га
		2012 йил
1.	Пахта	555,0
2.	Дон	440,0
3.	Сабзавот	60,0
4.	Бошқа экинлар	55,0
	Жами	1110,0

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадики, асосан экин майдонлари пахта ва дон экинлори билан банд бўлган.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ерларидан айниқса суғориладиган ҳайдалма ерлардан фойдаланиш даражасини юқоридаги келтирилган экин майдонларига экилган экинлар ҳосилдорлиги орқали ҳам аниқлаш мумкин.

1.4-жадвал

«Дехқонобод» массиви бўйича асосий экинлар ҳосилдорлиги

№	Қишлоқ хўжалик экинлари	Хосилдорлик, ц/га
		2012 й
1.	Пахта	25,2
2.	Дон	36,0
3.	Сабзавот	220,0

Жадвалдаги маълумотларга асосан қишлоқ хўжалик экинларининг хосилдорлик кўрсаткичлари ҳар йили турлича бўлган. Масалан, буғдой хосилдорлиги таҳлил даврида 2011 йили энг юқори кўрсаткич 33,0 ц/га ташкил этган бўлса кейинги 2012 йилга келиб бу кўрсаткич 36,0 ц/га кўпайган. Пахта хосилдорлиги таҳлил даврида деярли бир меъёрга турганлигини кўриш мумкин. Пахтанинг бу кўрсаткичлари массивнинг шартномадаги режасини бажариш учун етарли хосилдорлик ҳисобланади. Лекин сабзавот ва бошқа экинлар хосилдорликларининг 2011 йилга нисбатан пасайганлиги кузатилади.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўриш мумкинки, кейинги йилларда рўй берган салбий оқибатлар натижасида массив ерларининг мелиоратив ахволи ёмонлашиши ва ерларнинг яроқсиз ахволга келиб қолишига олиб келган. Бу эса массивларда суғориладиган хайдалма ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун бир канча тадбирларни амалга ошириш зарур эканлигини кўрсатади.

1.8 Чорвачилик тавсифи.

«Дехқонобод» массивининг чорвачилик ёрдамчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Чорвачилик асосан сут ва йирик шохли қорамол гўштини етиштиришга қаратилган. Қуйидаги жадвалда массивда мавжуд чорва молларининг таркиби берилган.

1.5-жадвал.

«Дехқонобод» массиви чорва молларининг таркиби

Моллар турлари	Бош сони	Умумий бош сонига нисбатан %
Қора моллар	304	100
Шу жумладан:		
Соғин сигирлар	120	39,5
Буқалар	6	2

Ѓўнажинлар	82	27
Бузоқлар	96	31,5

Чорвачиликдан олинган махсулотлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

1.6-жадвал.

Чорвачилик махсулотларининг миқдори.

Т/р.	Кўрсаткичлар	Миқдори
1.	Қора моллар бош сони Жами етиштирилган гўшт, тонна	304 7.2
2.	Соғин сигирлар 1 та сигирдан соғиб олинадиган сут миқдори, кг Жами етиштирилган сут, тонна	120 1150 138

Юқоридаги маълумотлардан кўринадики, массивнинг ёрдамчи тармоғи хисобланган чорвачилик ҳам массив ривожига учун маълум даражада хиссасини қўшган.

«Дехқонобод» массивида мавжуд моллар сонини ва ундан етиштирилган махсулотлар миқдорини таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, массивда ўтлок ва яйловларнинг етишмаслиги, чорвачилик тармоғини кенгайтириш имкониятларини биров чеклайди.

***2-БОБ Сужориладиган ерларни баҳолашнинг
моҳияти ва услубий масалалари***

2.1. Суғориладиган ерларни баҳолашнинг моҳияти ва зарурияти

Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ерларни баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. У жойнинг минтақавий фарқини ҳисобга олиш ва таққослаш бўйича муҳим муаммолардан бири сифатида гавдаланади. Иқтисодиётнинг аксарият масалаларини, шунингдек қишлоқ хўжалик корхоналари ички масалаларини, давлатнинг ердан фойдаланганлик учун тўловлар сиёсатини ер тузиш ва ердан фойдаланиш муаммоларини ва ернинг сифат ҳолатини ва уни қиёсий баҳоламасдан туриб муваффақиятли ҳал қилиш мумкин эмас.

Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни объекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир. Тупроқшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳамда ерларни баҳолашга оид махсус адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ерларини баҳолашда унинг асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер участкалари объект бўлиб хизмат қилишини эътибор этишимиз керак.

Ернинг қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги асосий хусусияти – унинг унумдорлигидир. Ер майдонининг, аниқроғи тупроқнинг ўсимликларни унга зарур бўлган озуқа моддалари ва зарур намлик билан таъминлай олиш қобилиятига тупроқ унумдорлиги дейилади.

Давлат миёёсида аграр масаларни тугри ҳал этишда хўжаликлардаги ерлардан самарали фойдаланиш ётади. Шунинг учун хозиртги даврда самарасиз фаолият курсатиб келаётган хўжаликлар асосида янги тоифадаги ер эгаликликларини ташкил этиш долзарб масалардан ҳисобланади. МБИ мавзуси ҳам шу муаммоларни назарий ва амалий жихатдан урганишга қаратилган.

Қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилаётган ерларни баҳолаш тарихи узок йилларга бориб такалади. Ўзбекистонда тупроқ текширув хужжатларидан хакикий фойдаланиш унинг вазифаси ва хажми, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш даражаси ва деҳқончиликнинг умумий маданият давлат режа топшириклари билан аниқланар эди.

Республикада ерни баҳолаш ишларини кенгмикёсда олиб боришда жамоа ва давлат хўжаликларидаги суғориладиган ерларда тупроқ бонинитировкаси ва иқтисодий баҳолаш ишларини ўтказиш учун услубий кўрсатмалар ишлаб чиқишда тупроқ текширув хужжатлари ерларнинг хоссларини тавсифномада(тупроқни бонитировкалаш) асос қилиб олинган.

Шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлигини аниқроқ режалаштириш ерларни хар томонлама ўрганиб сифатини баҳолашни тақозо этади.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларга қараб ерни сифат жихатдан аниқ баҳолаш усуллардан бири унинг унумдорлигини баҳолаш (бонитировка) яъни ерга энг муҳимаронмик хусусиятларига кўра балл билан солиштирма баҳо қўйиш бўлиб, бу давлат кадастри ичида муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон жамоа ва давлат хўжаликларида суғориладиган ерларни унумдорлиги бўйича баҳолаш (бонитировка қилиш) биринчи марта 70-йилларда Ўзбекистон ер тузиш лойиха илмгоҳининг ер кадастри филиали томонидан ўтказилади.

Унумдорлик бўйича баҳолаш агротехника ва деҳқончиликни интесивлашнинг ўртача даражасида тупроқ сифатига ҳамда унумдорлик хусусиятларга солиштирма баҳо бериш демакдир. Бу иш тупроқнинг ҳам табиий ҳам маданийлаштириш натижасида вужудга келган хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ерни сифатини баҳолашда тупроқнинг, генетик аломатлари , маданийлашганлиги ваҳоказо албатта ҳисобга олинади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини, маҳсулдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалигига яроқлилигини ҳисобга олган ҳолда бонитет баллари бўйича

Республикадаги суғориладиган ерларнинг 10 та синфи белгиланган. Агрономия нуқтаи назаридан бонитет баҳосининг баллари қишлоқ хўжалик экинларини кадастр бўйича ҳисобланаган ҳосилдорликлари орқали белгиланади. Бу эса ўз навбатида 100 баллик баҳолаш шкаласидан 1 гектардан олинadиган ҳосилни центнердаги ўлчам, яъни ц/га ҳисобида 1 баллга тўғри келадиган ҳар бир асосий қишлоқ хўжалик экини учун ҳисобланади. Республика қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2001 йилда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировка қилиш" услубиятига мувофиқ қабул қилинган бонитет баллари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларини кадастр ҳосилдорликлари аниқланади.

Иқтисодий унумдорлик тупроқ унумдорлигининг ҳақиқий ифодаси сифатида гавдаланади. Ҳамда у деҳқончилик маданиятининг унумдорлик даражаси сифатида тавсифланади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги сарфланган капитал маблағлар миқдори, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиш даражасига, маҳсулотларни қайта ишлаш, сотиш ва бошқа омилларга боғлиқдир. Иқтисодий унумдорлик одатда абсолют ва нисбий унумдорликларга бўлинади. Абсолют унумдорлик - бу маълум бир шароитда етиштирилган маҳсулотлар миқдори билан ифодаланади ва маълум бирликдаги ер майдонининг ҳосилдорлик кўрсаткичи ёрдамида тавсифланади. Нисбий унумдорлик эса турлича ер майдонларининг қайд қилинган унумдорлиги билан ифодаланади ҳамда маълум миқдорда сарфланган харажатлар эвазига олинadиган маҳсулот миқдори билан тавсифланади. Ушбу, юқорида келтирилган унумдорликлар даражаларини белгилаш, ерларнинг қийматини аниқлаш мақсадида тупроқ бонитировкаси ҳамда ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш каби махсус ер баҳолаш ишларини ўтказиш зарурати туғилади.

Эътироф этиш жоизки, иқтисодиёй муаммолар ичида Ўзбекистон Республикаси учун мавжуд фойдаланилаётган ерлар самарадорлигини ошириш, ерларни муҳофаза қилиш, тупроқлар унумдорликларини тиклаш ва

ошириб бориш кабилар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу масалаларни ҳар томонлама тўғри ҳал қилиш иқтисодиёт тармоқларида ердан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни оқилона ечишда ер баҳолаш маълумотларидан фойдаланиш сўзсиз ижобий самара беради. Жумладан, ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ер солиғи ставкаларини белгилаш; ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; хўжаликлараро ва хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар.

Ерларни иқтисодий баҳолаш-ернинг қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситаси сифатидан кадр қимматини аниқлаш, демакдир. Иқтисодий баҳолаш ҳам балларда (нисбий) ҳам ерга ҳисоблаб чиқилган шартли нархлар – сўмларда (абсолют) бўлади. Иқтисодий баҳолашнинг сифат баҳосидан фарқини қуйидагича кўриш мумкин : бонитировка қилишда – тупроқларнинг ишлаб чиқариш шароитлари эмас, асосан ўсимлик учун ўсишга керак бўладиган табиий хоссалари ҳисобга олиниб гуруҳларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни сифатли, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваққат услубида Вазирлар маҳкамасининг 1998 йил 19 майдаги 120- сонли қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дасурини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ушбу битирув малакавий ишини бажариш учун бу услубни 2006 йилда қабул қилинган ва такомиллашган шаклидан фойдаланилди.

Ерларни қиймат баҳосини мавжуд маълумотлар асосида аниқлашда ҳисоблаб чиқилган соф даромад асосий кўрсаткич вазифасини ўтайди.

Ерларнинг меъерий баҳолаш банклардан ипотека қарзлар беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ва дехкон хўжаликларига мьеёрдан ортиқ ер ажратишда ер солиғи ставкаларини аниқлашда, аукцион орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда ернинг дастлабки кенг ёритилган. Бу тадбирларни амалга ошириш бугунги кунда эса Ўзбекистон Республикасини бозор муносабатларига ўтиши натижасида ерларни меъерий баҳолаш зарурияти туғилган.

2.2. Қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерларнинг меъерий баҳосини ҳисоблаш тартиби.

Иқтисодий баҳолашда ернинг табиий сифати ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари унинг табиий иқтисодий муносабатларнинг фарқи асос қилиб олинади. Ерни иқтисодий баҳолашнинг баллардагаи кўрсаткичлари бир тупроқнинг иккинчи хил тупроқдан неча марта яхшилиги (қимматроқ) ёки тескарилигини кўрсатади, бунда қишлоқ хўжалигини бошқаришда иқтисодий ҳисоб китоб орқали режалаштиришни ташкил қилишда фойдаланилади.

Барча қишлоқ хўжалик ер майдонлари ерларни иқтисодий (меъерий) баҳолаш объекти бўлиб хизмат қилади. Бунда ерларни баҳолаш бўйича белгиланган ҳудудий ҳисоб бирликлари қуйидагилардир:

- ❖ ички хўжалик миқёсида: тупроқ сифати бўйича (бонитети) бир хил бўлган ҳайдалма ерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари. Бундай ҳолда ерларнинг баҳоси ички хўжалик масалаларини ҳал қилиш, дехқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, қурилишлар, суғориладиган ерларни текислаш мақсадлари учун аниқланади;
- ❖ умумий жиҳатдан (умумий ер майдони бўйича) ерларнинг баҳоси ер учун солиқ ставкаси миқдорларини ҳисоблаш, ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиб банкдан кредит олиш, пай миқдорларини аниқлаш учун ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ердан фойдаланувчилар ерларни иқтисодий баҳолаш субъектлари ҳисобланадилар.

Ерларни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш жараёнида суғориладиган ерларни баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Экинларни етиштириш учун муҳим ҳисобланган ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоси (тупроқ банитировкаси) ва қиймат кўрсаткичи сифатидаги меъёрий соф даромад суғориладиган ерларнинг баҳосини аниқлаш учун асос қилиб олинади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳолари, банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш ва дехкон хўжаликларига меъёрдан ортиқ ер ажратиб беришда, ер солиғи ставкалари миқдорини аниқлаш, аукцион орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда шу ернинг дастлабки базавий баҳосини белгилаш учун қўлланилади.

Ернинг меъёрий баҳосини аниқлаш асосида, ҳисоблаб чиқилган меъёрий соф даромад ётади. Ернинг меъёрий баҳосини ҳисобланаётганда, шу ерга ажралмас боғлиқ бўлган кучмас мулк объектларининг (қурилишлар, иншоотлар, суғориш ва коллектр тармоқлари ва бошқа шу кабилар) баҳоси қўшиб олинмайди.

Ерларнинг меъёрий баҳолаш объектлари бўлиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ерлар ҳисобланади. Меъёрий баҳони аниқлашда, қуйидагилар ҳисоблашнинг ҳудудий бирлиги бўлиб, улар бўйича шу ернинг меъёрий баҳоси аниқланади:

- массивнинг ички миқёсида; тупроқ сифати (бонитети) бир хилда тенг бўлган экин ерлари ва бошқа қишлоқ хўжалик ерларининг алоҳида участкалари: Бу ҳолда ернинг меъёрий баҳоси массив ичидаги масалаларни ечиш, дехкон ва фермер хўжаликларига, қурилишга, суғориладиган ерларнинг реконструкциялашга ва бошқа мақсадларга ер ажратиш учун аниқланади.

- умумий миқёсда: қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи

корхоналарнинг умумий ер майдони ёки қишлоқ хўжалик ерларнинг асосий турлари. Бу ҳолда, ернинг меъёрий баҳоси, ерга солиқ солиш ставкаси микдори хисоблаб чиқиш, банклардан ер участкаларини гаровга қўйиб кредит олиш учун аниқланади. Давлат режаларини тузиш мақсадида ерни меъёрий баҳосини хисоблашнинг ҳудудий бирлиги бўлиб, туман миқёсида ер участкалари, вилоят миқёсида эса маъмурий туманлар хисобланади.

Ерни меъёрий баҳолаш субъектлари бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар хисобланади. Ерни меъёрий баҳолаш предмети бўлиб, ер участкалари тупроқларининг ишлаб чиқариш қобилияти, уни туман инфраструктурасида тутган ўрнини эътиборга олиб ўрганиш ва баҳолаш хисобланади.

Ерни меъёрий баҳолаш мезони бўлиб, тупроқ бонитировкаси, асосий қишлоқ хўжалик экинларининг хисоблаб чиқилган меъёрий ҳосилдорлик ялпи маҳсулот ва соф даромад (фойда) кўрсаткичи хизмат қилади.

Кораколпогистон Республикаси Жукорги Кенгеши ва вилоятлар ҳокимиятлари, жойлардаги ҳудудларнинг ўзига ҳослиги ва ерларнинг меъёрий баҳосига таъсир қилувчи факторларни аҳамиятларини эътиборга олиб айрим туманлар ёки бутун вилоятлар (Республикада) бўйича, ерни хисоблаб чиқилган меъёрий баҳоси ҳажмининг 25 фоиз микдорида, камайтирувчи ёки кўпайтитирувчи коэффициентлар қўллашлари мумкин.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини хисоблаш учун дастлабки материал бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: “Ўздаверлойиха” институтининг ер кадастри филиали томонидан бажарилган суғориладиган ерларнинг бонитировкаси, ер кадастри ҳужжатлари, ери баҳоланаётган объектларнинг ер тарихи ва хариталари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қиймати ва экин майдонлари тўғрисидаги статистик маълумотлар.

Ерни меъёрий баҳосини аниқлаш бўйича ҳисоб-китоблар, жойлардаги ер тузиш идоралари ёки уларнинг топшириғига биноан “Ўздаверлойиха” институтининг бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлашда, унумдорлик, жойлашган жойи, қандай узоқдалиги, фойдаланишга қулайлиги, сув ва ёғингарчилик билан таъминланганлиги каби қатор факторлар борки, улар ернинг реал қийматига сезиларли таъсир кўрсатишни ҳисобга олинади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг меъёрий баҳосини мутахассис баҳоловчи аниқломоғи лозим.

Ер участкасига ҳуқуқки бор юридик ва жисмоний шахслар буюрмалари бўйича, ерларни меъёрий баҳосини аниқлаш ишлари шу буюртмачиларнинг маблағи ҳисобига бажарилади.

Ер тузиш идоралари томонидан ернинг меъёрий баҳоси ҳисоблаб чиқилган натижаларига кўра аниқ бир ер участкасининг меъёрий баҳосини белгилаш ҳақидаги маълумотнома қабул қилинган шакл бўйича берилади.

Ернинг аниқ бир участкасининг меъёрий баҳосини ўрнатиш ҳақида маълумотнома тузишда, шу участканинг баҳосига таъсир кўрсатувчи кўшимчалар (сервитутлар ва бошқа ҳуқуқлар), шунингдек табиатни муҳофазаловчи, санитария-гигиена, технологик ва бошқа характердаги кўйилган чекланишлар ҳисобга олинмайди.

Қишлоқ хўжалик ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлашда бош тортиш, ёки уни нотўғри аниқлашлар, қонунчиликда ўрнатилган тартиб бўйича шикоят қилиниши мумкин.

2.3. Суғориладиган ерларни меъёрий баҳолаш услуби.

Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш асосида, қишлоқ хўжалик экинлари ўсиши учун ерларнинг ахамиятлироқ бўлган табиий хусусиятлари (тупроқ бонитировкаси) ва меъёри соф фойдаси қийматини кўрсатувчи сифатлари бўйича шу ернинг солиштирма баҳоси ётади.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини, маҳсулдорлигини ва унинг қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқлилигини ҳисобга олиб Республикадаги суғориладиган ерларнинг балл бонитетлари бўйича 10 та класс ўрнатилган.

Хосилотчилик (агрономия) нуктаи назаридан бонитетнинг баҳолаш баллари, баҳолашнинг 100-баллик шкаласи бўйича 1-балл баҳога қабул қилинган ц\га хосилдан келиб чиқиб, аниқ бир қишлоқ хўжалик экини учун кадастрли ҳисобланган хосилдорликда намоён бўлади.

Балл бонитетлари бўйича, асосий қишлоқ хўжалик экинларининг кадастрли ҳисобланган хосилдорлиги 2.3.1-жадвалда берилган. 1994 йил 10 январда қишлоқ хўжалик вазирлиги томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировкалаш услубига мувофиқ қабул қилинган.

2.3.1-жадвал

Балл бонитетлари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларининг кадастрли ҳисобланган хосилдорлиги, ц\га

Балл бонитетлари	Пахта	Дон	Беда	Дон учун маккажухори	Бир йиллик утлар	Илдиз мевалилари
10	4	6	20	7.5	30	90
20	8	12	40	15	60	180
30	12	18	60	22.5	90	270
40	16	24	80	30	120	360
50	20	30	100	37.5	150	450
60	24	36	120	45	180	540
70	28	42	140	52.5	210	630
80	32	48	160	60	240	720
90	36	54	180	67.5	270	810
100	40	60	200	75	300	900
1 баллнинг баҳоси	0.4	0.6	2.0	0.75	3.0	9.0

Сабзавот - полиз экинлари бўйича кадастрли ҳисобланган хосилдорлик, шу соҳага ихтисослашган аниқ бир массив ёки унинг бирон бўлинмаларининг амалдаги хосилдорлик маълумотлари бўйича аниқланади.

Суғориладиган ернинг 1 гектаридан олинadиган соф даромад, шу майдондаги хар-хил сифатдаги ерларда ҳосил бўлиб, у қуйидаги математик ифода бўйича аниқланади.

$$ЧД_n = \frac{ВП_n * Р_n}{100} \quad (1)$$

бу ерда:

ЧДн - 1га суғориладиган ернинг меъёрий соф даромади

ВПн - 1га суғориладиган ернинг меъёрий ялпи маҳсулоти

Рн - хар-хил сифатли ерлар фоизидан ҳосил булган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган даромади меъёри.

Меъёрий соф даромадини, экин майдонларининг таркиби ва қишлоқ хўжалиги ихтисослашганлигидан келиб чиқиб қуйидаги икки вариантнинг биттаси бўйича ҳисоблаш мумкин:

- асосий экинлар бўйича;
- ери баҳоланаётган айни объектда (массив, туман, вилоятда) етиштирилаётган асосий экинларни бирга қўшиш натижаси бўйича.

Етакчи экинлар бўйича, меъёрий ялпи маҳсулотни ҳисоблаб чиқишни, шу экинларни ишлаб чиқишга юқори савияда ихтисослашган туманларда, амалга ошириш мумкин. Ихтисослашганлик даражаси, етакчи экинлар товар маҳсулотларининг солиштирма салмоғи (60% дан кам бўлмаган) билан аниқланади.

Бир гектар ердан етакчи экинлар бўйича аниқланган меъёрий ялпи маҳсулот, шу экинларнинг кадастрли ҳисобланган ҳосилдорлигини (ц/га) ишлаб чиқиш ва уни сотиш (сотиб олиш, шартнома, бозор) баҳосига тенгдир.

Асосий экинларни бирга қўшиш бўйича меъёрий ялпи ҳосилни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- ери баҳоланаётган объектни экин майдонлари таркиби ва шу экинларни сотиш баҳолари бўйича ўртачасини қўллаб;
- умумий экин майдонидаги хар-бир қишлоқ хўжалик экини бўйича, баҳоларни ҳисоблаб чиқиш асосида.

Ҳисоблаш қуйидаги ифода бўйича бажарилади:

$$\frac{X \cdot P_1 + 3 \cdot P_2 + K \cdot P_3}{(X + 3 + K)} \quad (2)$$

бу ерда:

Х - 1 гектардаги пахта хом ашёсининг қиймати

З - 1 гектардаги дон махсулотининг қиймати

К - 1 гектардаги озуқа экинининг қиймати

P1 P2 P3 - экинларининг фоиз (%) ҳисобидаги солиштирма миқдори.

Пахта - дон мажмуидаги меъёри ялпи махсулотни ҳисоблаб чиқилишини соддалаштириш учун, кадастрланаётган объект умумий экин майдони таркибидаги пахта бўйича унинг солиштирма салмоғига боғлиқ равишда ялпи махсулот қийматини коррективкалашда махсус ҳисобланган коэффицентлардан (2.3.2-жадвал) фойдаланиш мумкин.

2.3.2-жадвал

Пахта бўйича ялпи махсулот қийматини коррективкалаш
коэффицентлари

Умумий экин майдонида пах- танинг солиштирма салмоғи	Умумий экин майдонидан олинган пахта хом-ашёсининг қийматидан ялпи махсул- отни коррективкалаш коэффицентлари
К 30%	0.526
К 40%	0.594
К 50%	0.661
К 60%	0.729
К 70%	0.797

Хар хил сифатли ерлар учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳисоблаб чиқилган даромад меъёри ялпи махсулот қийматига нисбатан шу ернинг фоиз (%) ҳисобида ҳисоблаш йўли (2.3.3- жадвал) билан аниқланади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоблаб чиқилган даромад меъёри

Балл бонитетлари	Даромад меъёрлари	Балл бонитетлари	Даромад меъёрлари
10	-	60	18
20	6	70	21
30	9	80	24
40	12	90	27
50	15	100	30

Суғориладиган ерни 1 гектарининг меъёрий баҳоси қуйидаги ифода бўйича аниқланади:

$$Ц_n = \frac{ЧД * K_1}{П} \times 100 \quad (3)$$

П

бу ерда

Ц_н - суғориладиган ерни 1 гектарининг меъёрий баҳоси

ЧД_н - суғориладиган ерни 1 гектаридан олинадиган меъёрий соф фойда

П - капиталга банк қуядиган ссуда фоизи

K₁ - қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, хўжалик юритиш мавқие ва интенсивлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Капиталга банкнинг ссудали фоизи (%), маблағ билан таъминловчи банкнинг маблағ билан қайта таъминлаш ўртача ставкаси бўйича қабул қилинган. Массив юритиш савиясига, қишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг зичлигига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш интенсивлиги даражасига боғлиқ коэффициентларни, Республиканинг ўртача даражасига нисбатан қуйидаги кўрсаткичларда қабул қилинган:

Тошкент-1.0, Ўзбекистон Республикаси бўйича-1.0.

Суғориладиган ернинг меъёрий баҳосини аниқлашда, шу ернинг аҳоли яшаш жойлари ва маҳсулотлари сотиладиган бозорга нисбатан жойлашуви ҳисобга олинади.

Ернинг меъёрий қийматини аниқлаш жараёнида, транспорт бора олиши, ер участкасининг аҳоли яшаш жойидан ва массивлараро объектлардан қандай узоқлик радиусида жойлашганликларига боғлиқ ердан фойдаланиш қулайликлари бўйича тузатиш коэффициентлари (2-илова) киритилади. Ер участкасининг аҳоли яшаш ва маҳсулотни топшириш жойларидан қандай узоқликда жойлашганлигига тузатишлар киритиш коэффициентлари қуйидаги жадвалда берилган.

2.3.4-жадвал

Ер участкасининг аҳоли яшаш ва маҳсулотни топшириш жойларидан қандай узоқликда жойлашганлигига тузатишлар киритиш коэффициентлари
(суғориладиган ерлар)

Аҳоли яшаш жойидан узоқлиги, км 2 гача 2-4 4-6 6дан юқори Ўртача	маҳсулотни топшириш узоқлиги, км 4-гача	Узоқланиш коэффициентлари
		1.50 1.47 1.44 1.41 1.46
2 гача 2-4 4-6 6 дан юқори ўртача	4-8	1.38 1.35 1.35 1.29 1.33
2 гача 2-4 4-6 6 дан юқори ўртача	8-12	1.26 1.23 1.21 1.19 1.22
2 гача 2-4 4-6 6 дан юқори ўртача	12-16	1.17 1.15 1.13 1.11 1.14
2 гача 2-4 4-6 6 дан юқори ўртача	16-20	1.09 1.07 1.05 1.03 1.06
2 гача 2-4 4-6 6 дан юқори ўртача		1.01 1.00 1.00 1.00 1.00

Ахоли яшайдиган қишлоқ жойлардан ер участкаларининг қандай узокдалиги туғрисида маълумотлар бўлмаган тақдирда ва ҳисоблашни соддалаштириш ҳолларда, хўжаликнинг маҳсулотлари сотиладиган ва материал-техник таъминоти бозорларига нисбатан жойлашувини ҳисобга олувчи ўртача курсаткич қулланилади.

2.4. Массивда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги кишилиқ жамиятининг ҳамма ҳолатларидаги шароитлар билан кизикади ва уларни ўрганади.

Фаолият ва меҳнатнинг шакллари хилма хилдир. Улар турмушда, жамиятда, маданиятда, ишлаб чиқаришда, илмда ва бошқа ҳаёт соҳаларида кечадиган амалий, ақлий ва маънавий жараёнларни ўз ичига олади. Фаолият жараёнининг моделини умумий ҳолда иккита элементдан ташкил торган деб қараш мумкин, яъни бир-бири билан тўғри ва қайтма алоқада бўладиган инсон ва муҳит элементларидир.

Кўнгилсиз оқиватларни келтирив чиқарувчи ҳодиса, таъсир ва бошқа жараёнлар хавфлар деб аталади. Хавфлар яширин (ротэнсиал) ва реал турларга ажратилади. Хавфлар учун қуйидаги белгилар характерлидир: ҳаётга таҳлика, соғлиққа зарар, инсон аъзолари ишлашининг қийинлашишидир.

Тажриба шуни кўрсатадики, ҳар қандай фаолият ротэнсиал хавфлидир. Бу тасдиқланиш аксиомал характерга эгадир ва бир вақтнинг ўзида тан олинадики, хавф (таваккал) даражасини бошқарса бўлади, яъни қамайтирса бўлади. Бу тасдиқланиш эса маъқул бўлган таваккал консерсиясига олиб келади. У абсолют хавфсизлиқга эришиб бўлмаслигини тушунишга асосланади. Хавфсизлиқ - бу фаолиятнинг ҳолати бўлиб, маълум эҳтимоллиқда хавфларнинг келиб чиқишини бартараф қилишдир. Хавфсизлиқ - бу инсонлар олдига қўйилган мақсаддир. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги эса мақсадга эришишнинг восита, йўл ва усулларидир. “Ҳаёт-фаолият хавфсизлиги” - хавфлар ва улардан химояланишни ўрганади. Уни ўрганишнинг предмети - фаолият (меҳнат) нинг бир томонидир, айнан

хавфлар улардан химояланиш мақсадида.

Одамзот ҳар доим ўзининг хавфсизлигини таъминлашга интилади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан бу масалалар махсус билимларни талаб қилади. Бизнинг давримизда хавфсизлик муаммолари янада кескинлашди. Мамлакат ва жамият бахтсиз ходисалар, ёнғинлар, авариялар ва талофатлардан улкан зарар кўриб келмоқда. Шунинг учун хавфлардан химояланиш масалаларида одамларни тарбиялаш муҳим аҳамият кашф этади. Бизнинг жамиятимизни барқарорлаштиришда Хаёт фаолияти хавфсизлиги муҳим ижтимоий рол ўйнайди ва халқ фаолияти хавфсизлиги даражасини оширишда улкан ҳисса қўшади.

Массив ҳудудда ташкил этилган фермер хўжаликларида ишчи ходимларни меҳнат фаолиятларини амалга оширишлари учун корхона раҳбари ва меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи ходим томонидан ишчи меҳнаткашлар учун хавфсиз, қулай меҳнат шароитларини яратиш лозим. Улар дала шароитида турли хил техникалар, минерал ва органик ўғитлар ва шунга ўхшаш зарарли ва хавфли манбалар билан иш олиб борадилар.

Минерал ўғитлар, ўсимликларни ўсишини таъминловчи, пестидцитлар зарарсизлантирувчи воситалар сифатида ўсимликшунослик амалиётига кэнг кириб келган. Улар юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминлайди. Бироқ бу моддалар муаян микдорда инсонга ва атроф муҳитга хавфлидир.

Кимёвий моддаларнинг инсонга таъсири улар билан бевосита (аралашмалар тайёрланганда, уруғларга, тупроққа ишлов беришда, ишлов берган усачткаларда ишлаганда) ва билвосита – ўсимлик, озиқ-овқат маҳсулотлари орқали, кимёвий препаратлар билан ишлов берилган далалардан олинган мева-савзавотлар ем сифатида ишлатиганда қайсилари таркибида нитрат ва пестидцитларнинг микдори меъёрий кўрсаткич даражасидан юқори бўлганда сезилади. Пестидцитлар инсон учун минерал ўғитларга нисбатан хавфлидир.

Пестидцитлар билан ишлашга хомиладор ва емизикли аёллар, 18 ёшга тўлмаган ва 55 ёшдан атта (еркаклар ва 50 ёшдан ошган (аёллар), шунингдэк

механизатор аёлларни рэтитсидлар ва минэрал ўғитларни пуркаш, чанглатиш, ташиш, ортиш ва тушириш ишларига жалб қилиш мумкин эмас.

Пестидцитлар билан ишлайдиган, меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар йили йўриқномадан ўтиши ва ўқиши шарт. Пестидцитлар билан кунига - 6 соат, симоб препаратлари ва фосфор органик бирикмалар билан – 4 соат ишлаш керак. Пестидцит ва минерал ўғитлар билан бажариладиган барча ишлар механизатсиялаштирилган бўлиши, уларни бажаришда шахсий химояланиш воситаларидан фойдаланилади. Бир қатор ишлар противагаз (газников) ва ресираторларда бажарилади.

Фермер хўжалиги раҳбарлари далаларга кимёвий ишлов беришда ҳамиша 2 кун олдин, қишлоқ аҳолисини ва асаричиларни огохлантириш бериб огохлантиради. Асалари уялари камида 5 км узоқликка олиб чиқилади., сўнг 5-7 суткадан кейин кимёвий пререпаратларнинг турига ва ишлатилишига қараб қайтарилади.

Ўсимликларга кимёвий ишлов беришда сув хавзаларидан, санитар химояланиш зонасидан 300 м яқинда қўллаш мумкин эмас. Пестидцитлар билан ишлов берилган участкаларда фақат рўйхат кўрсатилган муддатлар ўтгандан кейингина иш давом эттирилади. Муддатлар, қўлланилган пестидцитларни физик-кимёвий хусусиятларига, уларнинг таъсир даражасига, атроф-муҳитда сақланувчанлик хусусиятларига, бажариладиган ишнинг хусусиятига (қўлда ёки машинада) ва бошқа сабабларга қараб у 1 суткадан 60 сутка оралиғида ўзгариши мумкин.

Пестидцитлар кимёвий қорхоналардан келтирилади, уларни фақат идишда (бочкаларда, барабанларда, канистрларда, шиша идишларда, қолирларда, яшиқларда, кутиларда ва бошқ.) ясси ёки тиркаб қўйиладиган родонларда, стелаларда бир бирининг устига қўйиб сақланади. Ҳар хил пестидцитлар (гервитсид, фунгитсид, ва вошқ) бошқа-бошқа ғарамларда сақланади, улар орасидаги оралиқ 1 м дан кам бўлмаслиги керак. Препаратларни қабул қилишга ва тарқатишга омборчи жавобгардир. Омборхонага бегона шахсларнинг Кириши ман этилади. Препаратларни

коплаш, тортиш ва беришда нафас олиш органларини химоялаш учун химоя воситаларидан фойдаланилади.

Пестидцит жавобгар шахс иштирокида, махсус ёки мақсад учун мослаштирилган транспортда, фақат соз ва яхши ёриладиган тикилган ва носозлик тузатилади, унинг учун ҳамма материалларга, асбобларга ва шахсий химоя воситаларига эга бўлиш керак.

Ўруғлар шамол эсадиган томонда, турар жойлар, молхона, озиқ овқат, ем –хашак сақланадиган омборлар, сув манбаларидан 200 м нарида махсус биноларда дориланади. Уруғлик дориланадиган агрегатлар созланган, маҳкам беркитилган бўлиши керак.

Чигитни куруқ дорилаш катъий ман этилади. Уруғни дорилаш даврида, бегона одамларнинг юриши ёки қатнашишига мутлақо рухсат этилмайди. Уруғликларни дорилаш вақтида ишчилар кўзда тутилган барча хавфсизлик талабларига амал қилишлари шарт, жумладан комбинзон кийиб олишлари, махсус кўзойнак, респиратор, никоблар тақишлари шарт.

Захарли химикатлар билан ишлайдиган кишиларнинг шахсий химоя воситалари: коржома, никоб, противогаз ва махсус этиклар ўзларига лойиқ бўлиши керак, Акс холда тор кийим ҳаракатга ҳалақит қилади. Этик тор бўлса қадоқ қилиши, оёқ панжалари шилиниши мумкин. Натижада жароҳатланган ерга захарли кимёвий моддалар тушиб, уни захарлаши мумкин. Кийим кечак катта бўлса ҳам ишлаш хавфли бўлади, чунки кийимнинг йэнги ва ёқасидан захарли химикатларнинг чанги, зарраси тушади ва тери орқали киши организмга ўтиши мумкин. Шахсий химоя воситалари ҳамиша озода бўлиши керак.

Симоб органик препаратлар билан захарланган кишининг оғзида металл таъм пайдо бўлиб, боши оғрийди, оғзидан сўлак оқади, кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қилади. Аксарият хушидан кэтиб қолади. Симоб препаратлари билан захарланган кишининг қорни санчиб оғрийди. Ичи кэтади, милки шишади ва конаб туради. Киши тез-тез чанқайди, кейинчалик оёқ-қўли бўшашади. Сувли аммиакни соладиган машина ва транспорт

воситалари хавфсизлик чораларига каътий риоя қилинган ҳолда махсус устахоналарда таъмирланади. Суюқ аммиак учун резербуарларни синовдан ўтказиш ва техник хужжатлаштириш, юқори босим остида ишлайдиган ишчиларникидэк олиб борилади. Систерна ичини назоратдан ўтказиш ёки ичида бирорта ишни бажариш икки ишчи билангина олиб борилади (биринчи ишчи ехтиётлик учун), улар комбинзонлар, резина этиклар ва шлангли газ ниқовлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Хар бир корхонада бўлгани каби фермер хўжаликлари бошқарув биноларида ҳам елэктр энергияси манбаларидан кэнг фойдаланилади. Елэктр энергияси манбаларидан ва бевосита у билан ишлайдиган хар хил асбоблардан фойдаланиш жараёнида ишчи ходимлар элэктр хавфсизлиги қойидаларига риоя қилишлари лозим. Жумладан элэктр энергияси билан ишлайдиган асбоб ускуналарларда улар химоявий ерга улаш билан химояланган бўлиши зарур.

Шу билан биргаликда ишчи ходимларни ташқи зарарли омиллардан химоя қилиш шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланади. Буларга кўзойнаклар, қўлқоплар, махсус кийимлар, махсус бош кийимлари киради. Юқоридаги барча ишлар корхонада меҳнат муҳофазаси муҳандиси (техниги) томонидан назорат қилиниши керак.

***3-БОБ «Дехқонобод» массивидаги суғориладиган ерларни
баҳолаш ишларини такомиллаштириш
натижалари***

3.1. «Дехқонобод» массивида тупроқ бонитировкасини ўтказиш.

Мамлакатимизнинг ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини илмий асосланган ҳолда режалаштириш ер майдонларини ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг сифатини баҳолашни тақозо қилади.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи хусусиятларига қараб ерни сифат жиҳатдан аниқ баҳолаш усулларида бири-унинг табиий унумдорлигини баҳолаш (бонитировка қилиш), яъни ерга энг муҳим агрономик хусусиятларига кўра балл билан солиштирма баҳо қўйиш ҳисобланади. Бу давлат ер кадастри тадбирлари ичида муҳим ўрин тутди ва ерларни меъёрий баҳолаш учун асос вазифасини ўтайди.

Тупроқ бонитировкасининг мезони қилиб, ишлаб чиқариш натижаларига таъсир этувчи тупроқларнинг табиий диагностик ва маданийлашиш жараёни олинади.

Тупроқ бонитировкасининг минтақавий характерга эга бўлиши маълум бир табиий минтақаларга ва уларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларига боғланиши зарур. Бунинг учун илмий асосланган табиий қишлоқ хўжалик минтақалаштиришни ўтказиш, маъмурий чегараларда қатъий қўлланиш мақсадида йирик минтақалар учун ўзларининг тупроқ бонитировкасини ўтказиш услубиятини ишлаб чиқиш зарур.

Унумдорлик бўйича баҳолаш ишлари муайян ердаги қишлоқ хўжалиги экинларига бўлган талабларни ҳисобга олинган ҳолда ўтказилади. Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари шароитида ғўзанинг талаблари ҳисобга олингани эътиборда тутилади. Ғўзанинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда аниқланган унумдорлик кўрсаткичлари пахтачилик мажмуига кирувчи бошқа ҳамма экинлар (шоли, каноп ва кўп йиллик мевали дарахтлардан ташқари) экиладиган суғориладиган ерларни баҳолаш учун ҳам тўғри келади.

Баҳолаш 100 балли ёпик шкала бўйича ўтказилади. Энг яхши хусусиятларга эга бўлган ва энг юқори унум берадиган тупроқларга 100 балл белгилаб қўйилади.

Суғориладиган тупроқларнинг бонитировка шкаласидаги сифат баҳоси уларнинг генетик мансублиги, суғориш даври ва маданийлашганлик даражаларига нисбатан бонитет балларида акс эттирилган. Шкалада бундан ташқари тупроқнинг гумус захираси ва ўсимлик озуқа элементлари билан таъминланганлиги, сингдириш сиғими, физик хусусиятлари ва биологик активлиги интеграл тарзда ҳисобга олинган.

Тупроқ унумдорлигини аниқловчи омиллар орасида иқлим алоҳида ўрин тутди. Иссиқ севар ўсимлик ҳисобланган ғўза учун энг аҳамиятли агроиқлим кўрсаткичларидан бири – унинг харорат ресурслари билан таъминланганлик ёки фойдали харорат йиғиндисининг 10^0 С дан юқори бўлишидир. Дарҳақиқат, тупроқ бонитети жойнинг кенглик минтақалари ва баландлик поғоналари бўйича ғўзанинг термик ресурслари билан таъминланганлигига қараб табақаланади. Иқлим коэффиценти ёки биоиқлим коэффицентини ҳисоблаш қуйидаги формула ёрдамида амалага оширилади:

$$B_{\kappa\zeta} = \frac{\sum \Theta_{t\cdot\phi}}{\sum \Theta_{t\cdot\delta}} \times 100 \quad (5)$$

бу ерда $\sum \Theta_{t\cdot\phi}$ - 10^0 С дан юқори бўлган ҳақиқий самарали харорат йиғиндиси;

$\sum \Theta_{t\cdot\delta}$ - базавий самарали харорат йиғиндиси.

Суғориладиган деҳқончиликнинг турли минтақаларида иқлимни баҳолаш - учун пишиб етилиш муддатларига кўра ғўза навларининг қайси гуруҳга мос келишини, шунингдек дон ёки силос учун мўлжалланадиган оралик ёки такрорий экинларнинг мумкин бўлган биологик маҳсулдорлигини аниқлаш имкониятини беради.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида тупроқларни баҳолашда унинг шўрланиш даражасини ва мелиоратив ҳолатини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омиллар каторига сув ҳамда шамол таъсиридан емирилиши (эрозия) ҳам киради. У нотекс рельефли, янги суғорилаётган майдонларда, юқори қияликларда ёрқин намоён бўлади. Бу минтакаларда тупроқ жинслари асосан лёсс пролювал ва аллювиал ётқизиклардан иборат бўлади.

Ювиладиган тупроқларнинг сифати нисбатан лёссларда камроқ пасаяди, чунки майдонларнинг тупроқни чуқур қатламларида ҳам потенциал унумдорлиги юқори бўлади.

Маълумки, кейинги йилларда суғориш мақсадлари учун хилма-хил даражали гипсланган катта майдонлар ўзлаштирилган ва қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш учун қабул қилинган. Гипс эса ернинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштиради ҳамда тупроқ унумдорлигини пасайтиради.

Аниқ бир тупроқнинг бонитет балини асосий хусусияти тупроқ хилига берилган баллга хилма хил тузатма коэффицентларни кўпайтириш йўли билан аниқланади, яъни:

$$B_k = B_1 \cdot K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot \dots \cdot K_n \quad (6)$$

бу ерда B_1 - асосий шкала бўйича тупроқнинг бонитет балли;

$K_1 \cdot K_2 \cdot K_3 \cdot \dots \cdot K_n$ - тузатма коэффицентлар.

Алоҳида олинган тупроқ хилининг бонитет балини ҳисоблангандан кейин шу маълумотларга асосан хўжалик бўйича умумий суғориладиган ерларнинг бонитет балларини ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун қишлоқ хўжалик турлари бўйича тупроқ хиллари майдонларини ҳисоблаш маълумотлари зарурдир.

Хўжаликнинг суғориладиган экин майдонлари бонитет бали тупроқ қатламини ташкил этувчи турли тупроқ хилларининг бонитет балларини ўртача келтирилган қиймати тариқасида аниқланади, яъни:

$$B_{x.k.} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + \dots + B_n P_n}{P_1 + P_2 + \dots + P_n} = \sum_{i=1}^n \frac{B_i P_i}{P_i} \quad (8)$$

бу ерда $B_1, B_2, \dots, B_n$ - тупроқ хилларининг бонитет балли;

$P_1, P_2, \dots, P_n$ - шу тупроқларнинг эгаллаган майдонлари, га.

Бунда «Дехқонобод » массиви бўйича ўртача бонитет 64 баллга тенг бўлади, яъни:

$$B_{\text{х.к.}} = \frac{B_1 P_1 + B_2 P_2 + B_3 P_3}{P_1 + P_2 + P_3} = 63,8 \approx 64 \text{ балл} \quad (9)$$

Демак, массив ҳудуди бўйича суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблашда тупроқнинг ўртача балл бонитети 64 балл деб қабул қилинди. Ушбу услуб бўйича ҳар бир фермер хўжалиги ёки контурнинг балл бонитетини аниқлаш мумкин.

3.2 Суғориладиган ерларнинг меъёрий баҳосини ҳисоблаш.

«Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш» дастурини амалга ошириш чора–тадбирларига «Ўздаверлойиха» институти Ер кадастри филиали томонидан «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерларни сифати, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг муваккат услуби» (1998) дастури ишлаб чиқилди. Бугунги кунда эса ушбу услуб такомиллаштирилган ҳолда (2005 й.) амалиётда қўлланилмоқда. Услубларнинг узига хослиги ва олиб борилиши, утказилиши, ҳисоблаш тартиблари ушбу бўлимда батафсил ёритилган. Шунини таъкидлаб ўтиш мумкинки, ернинг қиймат баҳоси жуда кенг миқёсда қўлланилади. Жумладан, ер солиғи ва ягона ер солиғи ставкаларини белгилашда ерларни иқтисодий баҳоси асос қилиб олинади.

Ушбу услублар қишлоқ хўжалигига мулжалланган ерларнинг қиймат баҳосини мавжуд меъёрий маълумотлар асосида аниқлаш учун мулжалланган.

Тупроқнинг табиий унумдорлигини, маҳсулдорлигини ҳамда уни қишлоқ хўжалигига яроқлигини ҳисобга олган ҳолда бонитет баллари бўйича республикадаги суғориладиган ерларнинг 10 синфи белгиланган. Агрономия нуқтаи назаридан бонитет баҳосининг баллари қишлоқ хўжалик экинларини кадастр бўйича ҳисобланаган ҳосилдорликлари орқали белгиланади. Бу эса

ўз навбатида 100 баллик баҳолаш шкаласидан ц/га ҳисобида 1 баллга тўғри келадиган ҳар бир асосий қишлоқ хўжалик экини учун ҳисобланади.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан 2001 йилда тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси суғориладиган тупроқларни бонитировка қилиш" услубиятига мувофиқ қабул қилинган бонитет баллари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларини кадастр ҳосилдорликлари қуйидаги жадвалда келтирилган

3.2.1 - жадвал

Бонитет баллари бўйича асосий қишлоқ хўжалик экинларининг
ҳосилдорликлари, ц\га

Бонитет бали	Пахта	Донли экинлар	Беда	Маккажўхо -ри дон учун	Бир йил- лик ўт	Ҳашаки лавлаги
60	24,0	36,0	120,0	45,0	180,0	540,0
70	28,0	42,0	140,0	52,5	210,0	630,0
Бир бал қиймати	0,4	0,6	2,0	0,75	3,0	9,0

Турли сифатга эга бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларининг 1 га ҳисобига меъёрий соф даромад қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$CD_m = \frac{YM_m \cdot P_m}{100} 16,5 \text{ минг сум} \quad (10)$$

Бу ерда: CD_m – 1 га қишлоқ хўжалик ерларидан олинадиган меъёрий соф

даромад;

YM_m – 1 га қишлоқ хўжалик ерларидан олинадиган меъёрий ялпи маҳсулот;

P_m – турлича сифатга эга бўлган ерларда вужудга келадиган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг меъёрий ҳисобланган фойдаси, %.

Меъёрий соф даромад экин майдонларининг таркибига ва қишлоқ хўжалигининг ихтисослаштирилганлигига қараб қуйидаги икки вариантдан биттаси бўйича ҳисобланиши мумкин:

- асосий экин бўйича;
- ушбу ер баҳолаш объектида етиштириладиган асосий экинлар нисбати бўйича.

Асосий экин бўйича меъёрий ялпи маҳсулот ҳисоби ушбу экинни етиштиришда юқори ихтисослашганлик даражасига эга бўлган. Ихтисослашганлик даражаси етакчи экинлар товар маҳсулотларининг солиштирма салмоғи (60 фоиздан кам бўлмаган) билан аниқланади.

Асосий экин бўйича 1 га ердан олинадиган меъёрий ялпи маҳсулот ушбу экиннинг кадастр ҳосилдорлигини (ц/га) уни сотиш баҳоси (сотиб олиш, шартномавий, бозор) га кўпайтмасига тенгдир.

Асосий экинлар қўшилмаси бўйича меъёрий ялпи маҳсулотни аниқлаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- ер баҳолаш объекти бўйича экин майдонлари таркибининг ўртача қиймати ва ушбу экинларни сотиш баҳолари билан;
- ҳайдалма ернинг умумий майдонида ҳар бир қишлоқ хўжалик экинининг қийматини ҳисоблаш асосида.

Ҳисоблар қуйидаги формула ёрдамида бажарилади:

$$ЯМ_m = \frac{X \cdot P_1 + 3 \cdot P_2 + K \cdot P_3}{(X + 3 + K)} = 510,3 \text{ минг сум} \quad (11)$$

Бу ерда, X – 1 га ҳисобига пахта хом-ашёсининг қиймати;

3 – 1 га ҳисобига донли экинларнинг қиймати;

K – 1 га ем-хашак экинларининг қиймати;

P_1, P_2, P_3 – экинларнинг фоиз (%) ҳисобидаги солиштирма миқдори.

Пахта-дон мажмуасида меъёрий ялпи маҳсулот ҳисобини соддалаштириш учун кадастр объектидаги экинларнинг умумий таркибидаги нисбатига қараб пахта бўйича ялпи маҳсулот қийматининг махсус ҳисобланган тузатма коэффициентларидан фойдаланиш мумкин.

3.2.2 - жадвал

Пахта бўйича ялпи маҳсулот қийматининг тузатма коэффициентлари

Пахта экинини ҳайдалма ерлар умумий майдонидаги нисбати	Умумий ҳайдалма ердан олинган пахта хом-ашёси қийматидан ялпи маҳсулот қийматини тузатма коэффициентлари
К 50 %	0,661

Турлича сифатга эга бўлган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳисобланган фойда меъёри асосан ялпи маҳсулот қийматига нисбатан фоизларда ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Унинг қийматлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

3.2.3 - жадвал

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳисобланган фойда меъёри, %

Бонитет бали	Фойда меъёри	Бонитет бали	Фойда меъёри
10	-	60	18,0
20	6,0	70	21,0
30	9,0	80	24,0
40	12,0	90	27,0
50	15,0	100	30,0

Суғориладиган ерларнинг меъёрий қийматини аниқлашда уларни қишлоқ аҳоли пунктларига ва маҳсулотларни сотиш бозорларига нисбатан жойлашганлиги ҳам ҳисобга олинади. Ер майдонларини аҳоли яшаш пунктлари ва хўжаликлараро объектларга нисбатан узоқлик радиуси, яъни транспорт ҳаракатига қулайлигига боғлиқлиги бўйича ҳам ерларни меъёрий баҳолашда махсус тузатма коэффициентлари киритилади.

3.2.4 - жадвал

Ер участкасини аҳоли пунктидан ва маҳсулотларни сотиш жойидан узоқлиги бўйича тузатма коэффициентлар (суғориладиган минтақа учун)

Масофаси, км		Масофаси бўйича тузатма коэффициентлар
Аҳоли пунктидан	Маҳсулотларни сотиш пунктидан	
2 гача	4-8	1,38
2-4		1,35
4-6		1,32
6дан ортиқ		1,29
ўртача		1,33

Юқоридаги жадвалга асосан ер участкасини аҳоли пунктидан ва маҳсулотларни сотиш жойидан узоқлиги бўйича тузатма коэффициент 1,35 ни ташкил этади.

3.3 «Дехқонобод» массивида суғориладиган ерларни баҳолаш натижалари.

Ушбу тадбир асосан вилоят «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлашнинг вақтинчалик қўлланма» си ва асосан вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси билан биргаликда «Ўздаверлойиха» институти Тошкент бўлими томонидан тайёрланган дастур асосида бажарилди.

Ерларнинг меъёрий баҳосини аниқлаш учун «Дехқонобод » массивида фойдаланаётган барча қишлоқ хўжалик ерлари олинди. Массивда ҳозирги кунда мавжуд бўлган фермер хўжалиги ерлари ҳам баҳоланди. Ерларни баҳолаш ишларини бажариш учун энг аввало массивнинг тупроқ бонитировкаси, қишлоқ хўжалик ерлари структураси ва экинлари режаси, массивнинг жойлашиши урни, маҳаллий шароити тўғрисидаги маълумотлар ва бошқа хужжатлар тўпланди. Сирдарё вилояти Ер ресурслари томонидан ишлаб чиқилиб, вилоят хокимининг биринчи муовини 1999 йил 4 январ

кунги тасдиқланган қишлоқ хўжалиги ерларни баҳолашда қўлланиладиган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш интенсивлик даражасининг вақтинчалик миқдори - 0.7 маҳаллий шароит коэффициентининг вақтинчалик миқдори - 1,022 қилиб белгиланди. Ушбу массивда пахтачилик асосий тармоқ бўлиб унинг салмоғи 70,3 фоизга тенг.

Ушбу ҳужжатлар ўрганилиб чиқилгандан сўнгра массивнинг харитаси таёрланди ва унга тупроқ турлари ерларнинг балл бонитетларнинг чегаралари тушириб чиқилди. Ер контурлари майдонига фақат массивда фойдаланиладиган ерлар киритилди. Участка атрофи ва ичидаги жойлашган йулар, ариқлар, зовурлар билан банд ерлар киритилмади. Шу аниқланган контурлар бўйича кайдномалар тузилди. Ушбу ишлар бажарилиб бўлгандан сўнг ҳисоб – китоб ишлари амалга оширилди, ҳар бир гектар ер майдонини ва жами майдонинг меъёрий баҳолаш ҳисоблаб чиқилди.

Ерларни баҳолаш ишларининг якуни бўйича массив тупроғи ўртача 64 балл бўлиб бир гектар ҳайдаладиган экин ерлари ялпи маҳсулотнинг меъёрий баҳоси 510,3 минг сўмни ташкил қилди. Даромад меъёри эса 16,5 фоизга тенг. Бир гектар ернинг базавий меъёрий баҳоси 1,15 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу аниқланган базавий контурларнинг ва маҳаллий шароит коэффициентлари қўлланиши натижасида массивнинг бир гектар ер майдонини меъёрий баҳосини 1076,0 минг сўмни ташкил қилди.

Массивнинг барча қишлоқ хўжалигида фойдаланаётган ерларининг баҳоси эса 2750578,8 минг сўм қилиб белгиланди. Ҳамма ҳисоб китоб ишлари якунланиб бўлгандан кейин массив бўйича барча тўпланган ҳужжатлар ва тузилган жадваллар тўпланиб, массив бўйича ҳужжатлар тўплами яратилди ва массивга фойдаланиш учун берилди.

Бир гектар суғориладиган ернинг меъёрий баҳоси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Ц_{м} = \frac{CD_{м} \cdot K_1}{П} \cdot 100 = 2556,3 \quad (12)$$

Бу ерда, $C_{м}$ – 1 га суғорма ернинг меъерий баҳоси;

$CD_{м}$ – 1 га суғорма ердан олинадиган соф даромад;

Π - Капитал маблағларга қўйиладиган банк ссудасининг фоизи,
5,0 %.

K_1 – хўжалик юритиш даражасини ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб
чиқаришининг интенсивлилик даражасини ҳисобга олиш коэффициенти.

3.2.5-жадвал

«Дехқонобод» массиви ерларини меъерий баҳолаш натижалари

№	Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	Жами
1	Тупроқ бонитетининг ўртача бали	балл	64
2	1 га экин ери ялпи махсулотнинг меъерий баҳоси	минг сум	510,3
3	Соф даромад меъерий баҳоси	фоиз	16,5
4	1га экин ернинг меъерий соф фойдаси	минг сум	84,2
5	Банк ссуда фоизи	фоиз	5
6	Хўжалик юритиш ва ишлаб чиқаришнинг интенсивлик даражаси		1,2
7	1 га ернинг меъерий баҳоси базавий	минг сўм	2020,8
8	Жойлашиш жойига коэффициент		1,15
9	Махаллий шароит коэфффициенти		1,1
10	1 га ернинг меъерий баҳоси	минг сўм	2556,3
11	умумий майдон	гектар	2095.3
12	Ер участкасининг ялпи меъерий баҳоси	минг сум	5356215.4
13	1 га ер учун ўртача ягона ер солиғи	минг сўм	38.4
14	Массив бўйича ягона ер солиғи миқдори	минг сўм	80459.5

Демак, «Дехқонобод» массиви бўйича суғориладиган ерларнинг
иқтисодий (меъерий) баҳоси 2012 йил ҳолати бўйича 2020,8 минг сўмни
ташкил этади. 2012 йилдаги Йўриқнома бўйича ҳисобланган уюшманинг бир
гектар суғориладиган ерларининг ўртача меъерий баҳоси 2556,3 минг сўм
бўлиб, ялпи меъерий баҳоси 5356215.4 минг сўмни ташкил этган.

Бу эса Янги йўриқнома бўйича аниқланган қийматдан 2 баробар паст
эканлигини билдиради. Массив ер участкалари учун бегиладиган ер
солиғи ставкалари ҳам айнан ерларни меъерий баҳоси қийматига асосланиб

ҳисоблаб чиқилди ва 1 га ер учун ўртача ягона ер солиғи 38,4 минг сўм ҳамда хўжалик бўйича ягона ер солиғи миқдори 80459.5 минг сўмлиги аниқланди.

Массив бўйича ерларнинг иқтисодий (меъерий) баҳолаш банклардан ипотека қарзлар беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ва деҳқонларига меъёрдан ортиқ ер ажратишда ер солиғи ставкаларини аниқлашда, аукцион орқали ер участкаларини сотишда кенг қўллаш тавсия этилади.

Хулоса

Бозор ислохотларини чуқурлаштиришда кўп жихатдан қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ер ресурсларидан жумладан суғориладиган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг мавзуси суғориладиган ерларни баҳолашни ўрганишга бағишланган бўлиб, ҳисоб-китоб амаллари «Дехконобод» массив худуди мисолида кўриб чиқилди.

Массивда ишлаб чиқариш фаолиятини таҳлил қилиш ва уларга ажратилган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ер баҳолаш маълумотларини қўллаш масалалари кўриб чиқилди. Бу вазифани бажариш учун талаб этилган маълумотлар массив худудиданер фонди; қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ харитаси ҳамда экспликацияси; экин майдонларини таркибининг тузилиши; қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги, қишлоқ хўжалик учун керак бўладиган асосий фондлар; минерал ўғитлар тўғрисидаги маълумотлар; қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг тармоқлари бўйича ишлаб чиқариладиган ялпи ва товар маҳсулотларининг асли миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар тулиқ йиғилиб жадвалларга киритилди. Массив чегарасидаги кичкина ариқ, зовур ва йўллар фермерлар ҳисобида катта коллектор ва каналлар сув хўжалиги ҳисобида қолдирилди, уларнинг ўртача майдони 466.3 га ни ташкил қилди.

Массив жойлашган ҳудуддаги тупроқ унумдорлиги аниқлаш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни режалаштиришда катта аҳамиятга эга. Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш меъёри тупроқ балл бонитети орқали аниқланди. Шунинг учун ҳар бир фермер хўжалиги жойлашган ер майдонининг балл бонитетлари аниқланди ва улар ёрдамида бир гектар суғориладиган ерларининг ўртача меъёрий баҳоси 2556.3 минг сўм, 1 га ер учун ўртача ягона ер солиғи 38.4 минг сўм ҳамда массив бўйича ягона ер солиғи миқдори аниқланди.

Унга кўра «Дехқонобод» массив бўйича ялпи меъёрий баҳоси 5356215.3 минг сўмни ташкил этди. Юқоридаги бобларда аниқланган ҳисоб-китоб натижалари массивнинг истиқболдаги ривожланишини белгилашда фойдаланиш мумкин. Ушбу битирув малакавий ишида қўлланилган ҳисоб-китоблар қушни массивлар ҳамда табиий-иқтисодий шароитлари қўни массивларда қўлланиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекситон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси” Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. “Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш” мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. В 621500-Ер тузиш ва ер кадастри мутахассислиги учун. Тузувчилар Бобожонов А.Р, Тўлаганов М.Ж. Т.:ТИҚХМИИ, 2000
4. Аvezбаев С., Волков С.Н., “Ер тузиш иқтисоди”, “Янги аср авлоди”, 2002
5. Бобожонов А.Р, Денисов В.В, Рахимов Э.Р. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш ва уларни баҳолаш. Т.: 1992
6. Ер кадастри асослари. Э.Қ. Курбонов, О.Р. Бобожонов, Қ.Р. Рахмонов. Ўқув қўлланма. Тошкент 1999, - 75 бет.
7. Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва ме]ёрий ҳужжатлар тўплами. Том-I, Тошкент-2000, -310 бет.
8. Ерлардан самарали фойдаланишни ошириш тўғрисида. 1994 йил 24 ноябрдаги Президент Фармони
9. Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меёрий ҳужжатлар тўплами. Том-I. «Шарқ» нашриёти матбаа концерни бош таҳририяти. Тошкент, 1998, -416 бет.
10. Нигматов А.Н. Ер ҳуқуқи. / Ўқув қўлланма. Т.: “Тошкент ислом университети”, 2001- 224 б
11. Система земельно-кадастровой информации. Учебное пособие. А.С.Чертовичский. Ташкент, 1989, -76 стр.
12. Толипов Ғ.А., Ғуломов Х.Ғ., Мақсудов Ж.М., Акрамов И.А. Ўзбекистон Республикаси ер кадастри. – Т.: “Ўздаверлойиха” картфабрикаси, 1994.
13. Туман (шаҳар) ер кадастри китобини юритиш бўйича кўрсатма. РХ-13-020-00. Тошкент, 2000, -30 бет.
14. “Тупроқ бонитировкаси ва ерларни иқтисодий (меъёрий) баҳолаш” мавзусидаги босқич ишини бажаришга услубий кўрсатмалар. В 621500-

Ер тузиш ва ер кадастри мутахассислиги учун. Тузувчилар Бобожонов А.Р, Тўлаганов М.Ж. Т.:ТИҚХМИИ, 2000

15. Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларидаги қишлоқ хўжалик ерларида қишлоқ хўжалик экинлари ва ер турлари майдонларини инструментал ўлчови бўйича кўрсатмаси. Т.: 2001
16. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари. Тошкент, «Адолат», 1999, -446 бет.

Интернет маълумотлари:

1. www.kadastr.uz
2. www.gkz.uz
3. www.uz
4. www.ziyonet.uz
5. www.geodez.ru

ИЛОВАЛАР